

# **Кўпхотинлик**

[ Ўзбекча – Uzbek – **الْأَوْزَبْكِي** ]

**Таржимон:** Хикмат нури веб саифаси

[www.hikmatnuri.com](http://www.hikmatnuri.com)

**2013 1434**

**MyIslamicBooks.tk**

**Кўпхотинга уйлангандан кейин (эр ёки хотин тарафидан)  
йўл қўйилган хатолар, шаръий ҳукмнинг бекор  
қилинишини тақозо этмайди**

Кўпхотинликнинг баъзи ҳолатларида содир бўлаётган ихтилоф ва зулм - диний қонун-қоидаларни билмаслик, кўпхотинлик низомини нотўғри татбиқ қилиш, уни татбиқ қилишда нафсу-ҳавомизга берилиш, умуман Исломнинг соғлом таълимотларига риоя қилмаслигимиз ва гўзал ахлоқимизни йўқотиш оқибатидир.

Бу муаммо - касалликни йўқотиш ва касални даволашга мухтождир. Бу даволаш эса, нафсларни ислоҳ қилиш, тарбиялаш, ахлоқни тузатиш ва уни ҳақиқий Ислом таълимотларига чиниктириш билангина амалга ошади. Ҳақиқат, эзгулик ва ҳидоят йўлидан адашган инсонларнинг хатолари рўй берган бу нодир ҳолатлар сабабли, кўпхотинлик қонунини камситиш ёки уни бекор қилишга ҳаракат қилиш нотўғридир. Ҳолбуки бундай салбий ҳолатлар, битта хотини бўлган инсонлар ҳаётида ҳам рўй бермоқда!!

Кўпхотинлик низомини татбиқ қилишда хато қилган одам ёки бутун мусулмонлар, динлари зарарига эмас, балки ўзлариниг зарарига ҳужжатдирлар. Шунинг учун ҳам Аллоҳ

таоло: «Айтинг: «Етук ҳужжат факат Аллоҳнинг ҳужжатидир» (Анъом: 149)- деган.

Унутмайликки, Ислом динида нафсу ҳавони қондириш ёки душманлар билан айни сафда юриш учун шариат билан ўзгартиш ва бекор қилиш каби ўйинлар ўйнаш асоссиздир. Чунки, диннинг мутавотир – қатъий далиллар билан келган ҳукмларини инкор этиш, Аллоҳ сақласин, Исломдан муртад бўлиш, демакдир.

Кўпхотинликни ўжар ёки мусулмонлар насли озайиши, уларни кучсизлантириш ва зино ботқоғига отишни назарда тутиб, макру-ҳийлалар қилмоқчи бўлган инсонларгина инкор этишлари мумкин. Биз буни уларнинг «пешволари» - куфр, ширк ва бутпарастлик ўлкаларида яққол кўрмоқдамиз. Кўпхотинликни инкор қилаётган ёки унда зулм ва хотинни камситиш бор деб ўйлаётган ёхуд ушбу илохий қонунни ёқтирмаётган инсонларнинг, мусулмонлар сафида юрсалар ҳам, муртад ва кофир эканликларида, мусулмонлар ижмоъси-қарори билан, ҳеч шубҳа йўқдир.

Биз қўпхотинлик атрофига шубҳалар отаётган, унинг салбийлиги ҳақида тинмай гапириб одамларни ундан совутаётган ва хотин кишининг туғмаслиги, мудом касаллиги каби заруратларга чеклаётган кишиларни, таъқиқланган нарсани қилиб қўйишларидан қўрқамиз. У таъқиқ – муртадликдир.

Аллоҳ таоло айтди: «Бунга сабаб уларнинг Аллоҳ нозил

қилган нарсаларни (яъни, Куръон ва ундаги ҳукмларни) ёмон кўрганларидир. Бас, (Аллоҳ) уларнинг амалларини бехуда кетказди» (Муҳаммад: 9).

Ислом ҳукмларини татбиқ қилиш, башарий ақл учун чигал қинғирликлар ва фикрий курашлар олдида мустағкам кўрғондир. Зеро: «Иймонлари комил бўлган қавм учун Аллоҳдан ҳам гўзалроқ ҳукм қилгувчи ким бор?!» (Моида: 50)- деб айтган Аллоҳ рост айтган.

### **Кўпхотинликнинг тамойил ва шартлари бор**

Кўпхотинлик низомини мусулмон зиммасига мажбурий фарз қилиб қўймаслиги ва хотин кишининг устига ўз эри тарафидан бир ёки ундан кўра кўпроқ хотин олишини қабул қилишини вожиб қилмаслиги, кўпхотинлик учун асоси хотинлар роҳатини таъминлаш ва уларни ҳар турли заардан ҳимоялаш бўлган адолат доираси атрофида айланадиган асос, низом, шарт ва тамойиллар қилиб қўйиши;

бу ишни эркакнинг майлликларига ташламай, уни чеклаши, мashaққатларни кўтариш учун адолат ва қудратни белгилаши, ўрталарини жамлаш мумкин бўлмаган хотинлргагина уйланишга рухсат бериши, бундан ташқари, рафиқалар сонини қадимги халқларда бўлгани сингари чексиз қилмай, тўрттагагина чеклаши - Аллоҳ таолонинг

ҳикматидандир.

Ҳолбуки, уламолар: «Тақсимот ва итоатсизлик ҳукмларини билмаган ва унинг тақозоси билан ҳаёт кечира олмайдиган эркакларнинг қўп хотинларга уйланиши ҳаром бўлиб, агар уйланса бу дунёда нафратли, охиратда эса золимлар билан бирга бўлади»- дедилар.

### **Кўпхотинликда адолат қилиш**

Кўпхотинликда қалб майлликлари ва нафс истакларидан бошқа каттаю-кичик барча нарсада адолат қилиш керак.

Ейиш-ичиш, кийиниш, тураг-жой ва тунашда хотинларнинг камбағал ёки бой, чиройли ёки бошқаси ўртасини айирмай адолат қилинади. Агар кўп хотин ҳаққини адо этишга ва ўрталарида адолат қилишга кўзи етмаган, ёхуд рафиқларининг фарзандаларига ҳам, уларни бошқариш ва хуқуқларини поймол қилмай адо этишда оғирлик ҳис этиб ўзига зулм қилишдан қўрқкан одам, битта хотинга ёки никоҳида мавжуд хотинларга чекланиши керак. Аллоҳ таоло айтди: «Агар адолатсизлик қилиб қўйишдан қўрқсангиз, бас битта (хотинга уйланингиз)!» (Нисо: 3).

Бу қўрқув ё содир бўлади ёки содир бўлмайди. У – кўпхотинликни қарорлаштиришдан аввал келган ва эрнинг бошига ҳақиқатан ҳам келиши муқаррар бўлмаган нарсадир. Эътибор эса, яхши ният ва солиҳ амалга кўрадир.

Аллоҳ таоло айтди: «Қанча яхшилик қилсангизлар ҳам, Аллоҳ уни билиб туради» (Нисо: 127).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: Кимнинг иккита хотини бўлса ва у улардан бирига бошқасини қўйиб мойил бўлса, қиёмат кунида бир тарафи букри бўлиб келади» (Абу Довуд ривояти, Никоҳ китоби: Хотинлар ўртасидаги тақсимот боби. Аллома Албоний (раҳимаҳуллоҳ) «Саҳиху Сунани Аби Довуд»да сахих деди, 2/ 400).

### **Ислом дини уйланишга рағбатлантиради**

Ислом дини, умуман, уйланишга рағбатлантириди ва ундан, гарчи ибодат билан шуғулланиш сабабли бўлсада, воз кечишни таъқиқлади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уйланишни ўз суннатларидан бири қилди, бу суннатдан юз ўғирган киши эса, Унинг умматидан эмасдир. Ҳатто Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уйланишдан воз кечадиган кишиларга раддия бериб: «Одамларга нима бўлди, ундей-бундай демокдалар?! Лекин мен (кечалари) намоз ўқийман ва ухлайман, рўза ҳам тутаман ва оғзи очиқ ҳам бўламан ва хотинларга уйланаман ҳам. Ким менинг суннатимдан юз ўғирса Мендан эмасдир!!»- дедилар (Имом Муслим ривояти, Никоҳ китоби, Никоҳнинг мустаҳаблиги хақидаги боб).

Ҳадисдаги «хотинлар» сўзи кўплик шаклида келди ва у бир

ва ундан кўпроқ хотинни ифодалайди. Бу эса кўпхотинлик, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳидоятидан эканлигини кўрсатади.

Аллоҳ таоло ҳам Ўз Китобида солиҳ бандаларини мақтади ва уларни дўстлик, ўзаро шафқат ва кўпхотинлик билан тавсифлади: «Улар: «Роббимиз, бизга жуфтларимиз ва зурриётларимиздан сурур ато эт ва бизларни тақводорлар учун етакчи қил!»- (дейдилар)» (Фурқон: 74). Шунинг учун ҳам сахобалар (разияллоҳу анҳум), биттадан кўпроқ хотинга уйланишни афзал кўрар эдилар.

Сайд ибн Жубайр (раҳимаҳуллоҳ) айтди: Менга Абдуллоҳ ибн Аббос (разияллоҳу анҳу): «Уйландингми?»- деди. Мен: «Йўқ»- дедим. У: «Уйлан, бу умматнинг яхшироғи - хотинлари кўп бўлганидир!»- деди.

Фақиҳ сахоба Абдуллоҳ ибн Масъуд (разияллоҳу анҳу) айтди: «Агар менинг ўн кунлик ажалим қолган, унинг охирида ўлишимни аниқ билсан ва уйланмаган бўлсан, фитналаниб қолишдан кўрқиб уйланган бўлар эдим!»- деди (Ибн Қудома (раҳимаҳуллоҳ), «Муғний», 6/ 446).

Имом ибн Қудома Мақдисий (раҳимаҳуллоҳ) айтди: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳам, сахобалари ҳам уйландилар ва саноғини оширдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ва сахобалар энг афзал ишни қиласидилар. Сахобалар афзал нарсаларни ташлаб, пасткаш нарсалар билан машғул бўлмайдилар» (Ибн Қудома

Макдисий, «Муғний», 6/ 447).

Қозий Иёз (раҳимаҳуллоҳ) айтди: «Никоҳ (уйланиш)га шаръан ва одат нуқтаи назаридан қарор қилинган. У – камолот ва эркаклик сиҳнатининг далилидир. Кўпхотинлик билан фахрланиш ёйилган одат, у билан мақтаниш ўтмишдаги турмуш тарзи эди. Уйланиш, шариатда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан қолган суннатдир. Энг зоҳид сахобалар (разияллоҳу анҳу)нинг хотинлари ва чўрилари кўп эди. Бу Алий, Ҳасан ва ибн Умар (разияллоҳу анҳум)лардан ҳикоя қилинади. («Шифо», 1/ 88).

Имом Аҳмад (раҳимаҳуллоҳ):«Мен бу замонда эркак кишининг икки, уч ёки тўртта хотинга уйланишини фикр қиласман»- деб, покликни назарда тутган эди (Ибн Абу Яъло (раҳимаҳуллоҳ): «Табақотул-Ҳанабила»).

Мен бунга шундай дейман: Ундей бўлса бизнинг фитналар ва Ер йўлдошлари асримизда нима қилиш керак?!! Аллоҳ бизга ёрдам берсин ва Унгагина таваккул қилдик!

Ҳофиз ибн Ҳажар (раҳимаҳуллоҳ) айтди: «Ислом дини Қуръон Карим ва пок суннатда келганидек, эркак кишининг биттадан кўра кўпроқ хотинга уйланишга рағбатлантиради». Ибн Касир (раҳимаҳуллоҳ) Аллоҳ таолонинг: «... икки, уч ва тўртта» (Нисо: 3) оятининг тафсирида: «Яъни, хоҳлаганингиз хотинлардан хоҳласангиз иккита, хоҳласангиз учта ва хоҳласангиз тўрттасига

уйланингиз!»- деди («Фатхул-Борий», 9/ 104).

## Кўпхотинга уйланиш ҳукми

Кўпхотинлик ҳукми ҳақида келган умумий далилларга кўра, кўпхотинга уйланиш суннат, бўлиб рухсат эмасдир. Бу уйланиш, шартларига қодир бўлган киши учун биттага уйланишдан кўра афзалроқдир. Сабаби, Алоҳ таоло кўпхотинликни пайғамбари Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам учун танлади ва У пайғамбари учун энг афзал, энг яхши ва энг мукаммал нарсаларнигина ихтиёр этади. Чунки Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам мусулмонларнинг пешвоси ва имомидир. Мусулмонларнинг эса, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга итоат этишлари, Ундан ўрнак олишлари ва суннатига боғланишлари вожибдир. Хотинларни суюш эса Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатидандир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Менга Дунёдан хотинлар, хушбўй нарсалар севимли қилиб кўрсатилди ва намоз қувончим қилинди»- дедилар (Насойй ривояти, «Хотинлар билан муошарат китоби, Хотинларни суюш ҳақидаги боб». Аллома Албонмий бу ҳадисни «Саҳиху Сунанин-Насойй»да сахих, деди: 3/ 827).

Маълумки, эркакнинг жисмоний тузилиши аёлникига қараганда соғломроқ ва кучлироқдир. Чунки у, на ҳайз кўради, на ҳомиладор бўлади, на туғади ва на эмизади.

Шунинг учун ҳам эркак гарчи ёши қариган, ҳатто ўлимiga яқин қолган бўлса ҳам, ўзининг қуввати, жўшиб туриши, мудом жинсий қовушмага қодирлиги, хотинларга рағбати билан аёл кишига усутун туради. Шунинг учун ҳам, баъзи эркакларнинг кучли жинсий майилликлари ва хотинларга ўта қаттиқ рағбатлари борки, уларнинг бу рағбатини битта хотиннинг қондириши мумкин бўлмай қолади. Хусусан, эркак кишини жинсий қондиришга монеълик қилган ҳайз келиши, ҳомиладорлик, нифос-туғруқдан кейинги қон келиши, (бирон бир) касаллик ёки қовушишга монеъ бўлган бошқа ҳолатларда.

Демак, эркаклар учун бошқа шаръий ва тўғри йўл бўлиши зарур. Бундан ташқари, хотин кишининг жинсий алоқага бўлган рағбати эркакникига қараганда оз ва хотин кишилар эркакларга қараганда анчагина уятчандирлар. Талайгина хотинлар кўп жинсий алоқа қилишга токат қила олмайдилар, эркак кучини ўзларида сингдира олмай, хусусан, ёшлари қаригани сайин, безадилар.

Маълумки, бир неча ўйнаши бўлиши эркак кишига нисбатан бир неча хотини бўлишидан кўра моддий ва маънавий тарафдан енгилроқдир. Чунки ўйнаш ўз масъулиятини ўзи кўтаради!! Бундай пайтда Аллоҳдан қўрқадиган, Аллоҳ таоло барча ишларида нигоҳбон эканини яхши билган мусулмон нима қилсин? У, ҳаёти давомида сиқилиш, қийналиш ичида ёки икки олов ўртасида қолади!

## Аллоҳнинг Ўзи ёрдам берсин!

Аллоҳ таоло фитрат қилиб қўйган эркакнинг жинсий қуввати, гоҳида инсонни мағлуб қиласди. Бу қувватни яратган Аллоҳ, унинг ором оладиган жойини ҳам жуда яхши билади. Кўпхотинликка рухсат беришда бу рағбатни тизгинлаш, Аллоҳ рухсат берган йўллардагина ишлатиш, эркакнинг манфаатини рўёбга чиқариш ва уни иффат ва тўғри йўлга солиш мумкин бўлади. Аллоҳнинг динига амал қилмаган эркакка Аллоҳ ҳаром қилган нарсаларни қилиши олдида ҳеч нарса монеълик қила олмайди. У хотинларга шаръий бўлмаган йўллар билан яқинлик қиласди. Бу – икки ҳолат ўртасидаги фарқдир.. Аллоҳнинг Ўзи ёрдамчи бўлсин!

Бундан ташқари, эркак вужудининг бир парчаси бўлган жинсий майиллигига шаръий йўллар билан ёндошса нима қилиди? Бу – Аллоҳнинг бандаларига берган неъмати ва Исломнинг рухсати-ку?! Аллоҳ таоло айтди: « Айтинг. (Эй Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Аллоҳ бандалари учун чиқарган безак (либосларни) ва ҳалол-пок ризқларни ким ҳаром қилди?!» (Аъроф: 32).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ўзимдан кейин эркакларга хотинлардан кўра заарарлироқ фитнани қодирмадим»- дедилар (Ином Бухорий ривояти, «Никоҳ ҳақидаги китоб: Хотинлар шумлигидан сақланиш ҳақидаги боб»).

Хофиз ибн Ҳажар (раҳимаҳуллоҳ) айтди: «Хотинлар билан фитналананиш – бошқалар билан фитналанишдан кўра оғирроқдир. Бунга Аллоҳ таолонинг: «Одамларга аёллар, ... истак-хоҳишларга кўнгил қўйиш чиройли қилинди» (Оли Имрон: 14) ояти далил бўла олади. Аллоҳ таоло (хотинлар, болалар, туганмас олтин-кумуш бойликлар, (қиммат) баҳоли отлар, чорва ва экин-тикинлар каби) нарсаларни кўнгил қўйиш истаги қилиб қўйди ва аёлларни бу маънода асос эканликларига ишорат ўлароқ, бу нарсаларнинг энг бошида зикр қилди» («Фатҳул-Борий», 9/ 41).

Демак, Аллоҳ таоло бизга кўпхотинлик рухсатини берибди, нега энди фитна оловида ўзимизни қовурайлик?! (Фиқҳий) усул (қоида)ларда ҳам: «Фарз у билан тугалланадиган нарса ҳам – фарздир» деган қоида (усул) бордир. Шунинг учун ҳам, фитнага тушишидан сақланиш фарздир ва ўзини фитнадан саломат сақлай олмаган одам учун кўпхотинга уйланиш фарз бўлади.

Биз шуни айтамиз: Биз умуман яҳудий ва христиан бўлган кофирлар ва уларга эргашган халқларга хилоф ишларни қилиш ва (турмуш тарзида) уларга ўхшамасликка буюрилганмиз. Кўпхотинга уйланмаслик бугунги кунда кофирларниг турмуш тарзи ва аломатларига айланди. Балки улар Исломга қарши кўпхотинлик тарафидан ҳужум қилмоқдалар. Шунинг учун ҳам, биз мусулмонлар кўпхотинга уйланиш низомини ёш авлод қалбига, хақиқий

Ислом билан улғайишлари учун, ўрнатишимиз керак.

Ҳаким Аллоҳ ишора қилган күпхотинлик сирларидан бири, у - бойлик ва давлатмандлик, яхшилик ва баракани жалб қилиш, ризқни топиш омилларидан биридир. Бу иймон, билим ва тажриба соҳибларига сир эмасдир. Аллоҳ таоло айтди: «Аллоҳ сизлар учун ўзларингиздан жуфтлар яратиб, жуфтларингиздан сизлар учун болалар, набиралар пайдо қилди ва сизларни ҳалол-пок ризқлардан баҳраманд этди» (Наҳл: 72).

Оиша (разияллоху анҳо) айтди: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: «Хотинларга уйланинглар, чунки улар сизларга бойликларни олиб келишади»- дедилар (Ҳоким, «Никоҳ китоби, “Аёлларга уйланинглар улар сизларга бойлик олиб келади” боби. Ҳайсамий «Мажмаъ» китобида санад кишиларини ишончли, деди: 4/ 255). Ушбу ҳадисда Аллоҳ таолонинг: «Ўз ораларингиздаги тул-беваларни ҳамда қул ва чўриларингизнинг яхшиларини уйлантиринглар. Агар улар камбағал бўлсалар, Аллоҳ уларни Ўз фазлу-карами билан бой-бехожат қиласди. Аллоҳ (фазлу-карами) кенг, билгувчи» (Нур: 32) оятига ишора бордир.

Фақиҳ сахоба (Абдуллоҳ) ибн Масъуд (разияллоху анҳу) айтди: «Бехожатликни уйланишда изланглар. Аллоҳ таоло: «Агар улар камбағал бўлсалар, Аллоҳ уларни Ўз фазлу-карами билан бой-бехожат қиласди» (Нур: 32),

демоқда» (Табарий тафсири, 19/ 166).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳам кўпхотинга уйланиш билан иффатни қасд қилган кишига Аллоҳнинг мададидан башорат бердилар: «Уч кишига мадад қилиш Аллоҳнинг зиммасидаги ҳақдир: Покланишни қасд қилган куёв, тўловни қасд қилган мукотаб ва Аллоҳ йўлида жанг қилаётган ғозий» (Имом Аҳмад ривояти, 2/ 251. Насоий, ибн Можжа ривоятлари, аллома Албоний бу ҳадисни «саҳих», деган)

(Мукотаб – ҳожаси билан ўз ҳурриятини сотиб олиш учун шартнома тузган қул).

Шуларга биноан айтамиз: Аллоҳ таоло бандаларининг бу дунёдаги манфаатлари нимада эканини жуда яхши билади ва шунинг учун ҳам кўпхотинга уйланишга рухсат берган:

- хотиннинг эрдан маҳрум бўлмаслик манфаати;
- эркакнинг ўз манфаатларидан маҳрум бўлмаслик манфаати;
- умматнинг наслини кўпайишидаги манфаати.

Бу – (барча нарсадан) Хабардор, Ҳаким, (бандаларига) Мехрибон, Раҳмли Зот тарафидан қурилган қонундир. Уни Аллоҳ кўзини куфр ёки мунофиқлик ёки ўжарлик билан кўр қилган кимсаларгина қоралашлари мумкин!!

(Аллоҳ таоло айтди):«Айтинг (Эй Муҳаммад), сизлар

яхшиrok биласизларми ёки Аллоҳми?!!» (Бакара: 140);

«Сизлар Аллоҳга динингларни (иймонларингни ҳақиқий эканлигини) билдиримоқчимисизлар?!» (Хужурот: 16);

«(Ахир) яратган зот (Ўзи йўқдан бор қилган нарсаларни) билмасми?! У меҳрибон ва (ҳар нарсадан) хабардор зотдир» (Мулк: 14);

«Бас, бирон эслатма-ибрат олгувчи борми?!» (Қамар: 15).

### **Кўпхотинлик ҳақида ёзилган асарлар**

Кўпхотинлик ҳақида талайгина асарлар ёзилган, алҳамдулилаҳ. Биз улардан айримларини қуида эслатиб ўтмоқчимиз:

Шайх Атийя Муҳаммад Солим, «Тааддууз-завжаат» (Кўпхотинлик)

Шайх Абдуллоҳ Носих Алвон, «Тааддууз-завжаат» (Кўпхотинлик).

Доктор Абдунносир Аттор, «Тааддууз-завжаат» (Кўпхотинлик).

Шайх Иброҳим ибн Муҳаммад Зубайъий, «Тааддууз-завжаат» (Кўпхотинлик).

Доктор Аҳмад Алий Тоҳа Раммон, «Тааддууз-завжаат» (Кўпхотинлик).

Шайх Иброҳим Муҳаммад Жамал, «Тааддудуз-завжаат» (Кўпхотинлик).

Доктор Муҳаммад Мисфир Захроний, «ал-Ислам ва Тааддудуз-завжаат» (Ислом ва кўпхотинлик).

Шайх Мустфо Адавий, «Фиқху тааддутиз-завжаат» (Кўпхотинлик фиқхи).

Хошев Ҳаққий, «Тааддудуз-завжаат ам тааддутил-ашиқот?!» (Кўпхотинликми ёки кўп ўйнашликми?!).

Абдуллоҳ ибн Муҳаммад Тайёр, «ал-Адлу фит-тааддут» (Кўпхотинликдаги адолат).

Хошим Рифоъий, «ал-Калимаат фий баяни маҳасини таадduтиz-завжаati» (Кўпхотинлик манфаатлари ҳақида икки оғиз сўзи).

Муҳийиддин Абдулҳамид, «Қолув ва қулна ан таадduтиz-завжаат» (Кўпхотинлик ҳақида эркак ва хотинлар сўзи).

Имодуддин Ҳусайн, «Завжатун ваҳидатун ла такфий» (Битта хотин етаурли эмас).

Аҳмад Ҳусайн, «Лимаза ал-ҳужуму ала таадduтиz-завжаат?» (Нега кўпотинлкка ҳужум қилинмоқда?).

Аҳмад Ҳусайн, «ал-Ҳикмату вал-баражийн фий таадduди завжатир-Расул» (Пайғамбарнинг кўпхотинга

уйланишидаги ҳикмат ва ҳужжатлар).

Бунайдир Ҳайсуний, «Даъват ила тааддуиз-завжаат» (Кўпхотинникча қириқ).

Холид Журайсий, «Фазлу тааддуиз-завжаат» (Кўпхотинлик фазилатлари).

Холид Журайсий, «Лимаза тааддууз-завжаат» (Нега кўпхотинлик?).

Холид Журайсий, «Кайфа тузаввижу аанисан» (Ўтириб қолган қизни турмушга бериш йўли).

Ғолия Жаҳдарий, «Наам, тааддууз-завжаатнеъмах!» (Ҳа, кўпхотинлик неъматдир!).

Раъд Ҳиялий, «Тааддууз-завжаат фил-Ислам: кайфа? Ва лимаза?» (Исломдаги кўпхотинлик: нега ва нима учун?).

Мұхаммад Совваф, «Завжаатун-набийи соллаллоҳу алайҳи ва саллам ат-тоҳирот ва ҳикматутааддуидиҳинн» (Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг афиға рағиқалари ва уларнинг кўпсонли бўлишларининг ҳикмати).

Абдулкарим Зийдон, «Рудудун ала шубухаат ҳавла тааддуиз-завжаат» (Кўпхотинлик ҳақидаги шубҳаларга жавоблар).

Эҳсон Утайбий, «Аҳкамут-тааддуи фий завъил-Китаби вас-суннаҳ» (Куръон ва суннат соясида кўпхотинлик

аҳкомлари).

Абдулкарим ибн Абдулмуҳсин Туркий, «Ли кай янжаҳа таддудуз-завжаат» (Кўпхотинлик муваффақиятли бўлиши учун).

Бу ва бунга ўхшаш мустақил ёки маржеъ-манбаъ бўлган китоблар ичидағи рисолалар кўпдир. Аллоҳ муваффақиятга эриширувчи ва тўғри йўлга йўлловчи Зотдир.